

Journal of Social Research in Uzbekistan**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jsru>**PROSECUTOR'S CONTROL IN ENSURING THE IMPLEMENTATION OF THE
LEGISLATION ON AGRICULTURE****Akmal Ismatullaevich Nabirayev**

Senior Prosecutor

General Prosecutor's Office Department

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE**Key words:** Farmer, farm, law, enforcement, prosecutor, legislation.**Abstract:** This article analyzed and discussed the topic of prosecutor's control in ensuring the implementation of the legislation on agriculture.**Received:** 19.02.24**Accepted:** 21.02.24**Published:** 23.02.24**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ИЖРОСИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ****Акмал Исмадуллаевич Набираев**

катта прокурор

Бош прокуратура Бошқарма

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА**Калит сўзлар:** Фермер, фермер хўжалиги, қонун, ижро, прокурор, қонунчилик.**Аннотация:** Ушбу мақолада фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунчиликнинг ижросини таъминлашда прокурор назорати мавзуси таҳлил ва муҳокама этилди.**ПРОКУРОРСКИЙ КОНТРОЛЬ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ИСПОЛНЕНИЯ
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ****Акмал Исмадуллаевич Набираев**

старший прокурор

Управление Генеральной прокуратуры

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ**Ключевые слова:** Фермер, ферма, право, правоприменение, прокурор, законодательство.**Аннотация:** В данной статье проанализирована и рассмотрена тема прокурорского контроля за обеспечением

КИРИШ

Озиқ-овқат хавфсизлиги бутун дунё мамлакатлари олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. БМТ ҳам бутун озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни тақсимлаш бўйича ёндашувни мутлақо ўзгартириш вақти келганини таъкидлаяпти. Зеро, идеал ҳолатда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари барчани озиқ-овқат билан тўлиқ таъминлаш ва одамлар учун рисоладагидек даромад манбаини яратиб беришга қодир. Боз устига, бундай ҳолатда инсон манфаатлари йўлида ҳам қишлоқ хўжалиги ривожланади, ҳам атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар ижроси таъминланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунда табиатга бефарқ муносабат, унга антропоген таъсирнинг кучайиб бориши, исрофгарчилик, илғор ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги озиқ-овқат баланси бўйича фарқнинг ўсаётгани, иқлим ўзгаришлари қатор салбий омилларни келтириб чиқаряпти. Ноз-неъматларимиз, чучук сув, уммонлар, ўрмонлар, биологик хилма-хиллик кескин суръатларда камайиб бормоқда, ер унумдорлиги пасайиб, тупроқ деградацияга учраётир.

Оқибатда, БМТ маълумотларига кўра, ҳозирда жаҳон аҳолисининг 815 млн. нафари оч қолаётган бўлса, 2050 йилга бориб бу сон 2 млрд. кишига етади. Уларнинг 12,9 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Беш ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлимнинг 45 фоизи айнан тўйиб овқат емаслик натижасида келиб чиқаётир. Ҳозирги кунда ҳар йили 5 млн.дан ортиқ ёш болалар айнан шу очлик ва очлик сабаб юзага келадиган касалликлардан ҳаётдан кўз юммоқда.

Қолаверса, сайёрамиздаги ҳар тўрт боланинг бир нафари ўз ёшига нисбатан ўсмай қолгани аниқланган. Мактаб ёшидаги 66 млн. ўғил-қиз дарсларга беихтиёр оч келади. Шулардан 23 млн.и Африкада истиқомат қилади.

Масаланинг яна бир томони шундаки, қишлоқ хўжалиги дунёдаги энг катта иш берувчи тармоқдир. Бутун курраи замин аҳолисининг 40 фоизи айнан шу соҳа орқали тирикчилик қилади. Бу қашшоқ қишлоқлардаги оилалар учун даромад келтирувчи ва бандликни таъминловчи асосий манбадир. Ривожланаётган мамлакатларда асосан лалми бўлган беш млн. кичик фермер хўжаликлари озиқ-овқатнинг 80 фоизини етказиб беради. Шундай экан, мазкур жабҳага инвестиция киритиш аҳоли қатламлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш қаторида маҳаллий ва ташқи бозорларга маҳсулот етказиб бериш бўйича мамлакат имкониятларини оширади.

Ўзбекистон замини ҳам ўзининг қадимий ва бой деҳқончилик анъаналари, ғоят хилма-хил, мазали ва ноёб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан азалдан шуҳрат қозониб келади.

Агротармоқ иқтисодийтимиздаги етакчи секторлардан бири бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолимизнинг 27 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур соҳага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланди.

Фармонга мувофиқ, Стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат этиб белгиланди.

Стратегияда белгиланган вазифалар ижроси изчил амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2021 йилдан бошлаб мамлакатимизда етиштирилаётган пахта хомашёси тўлиқ пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан қайта ишланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган ислохотларни самарали амалга ошириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланилишини таъминлаш, соҳага бозор механизмларини кенг жорий этиш мақсадида эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тузилмасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширишга масъул бўлган:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокурорларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимлари жорий этилди.

Статистик маълумотларга кўра, юртимизда 91 712 та фермер хўжалиги фаолият юритади.

Шу билан бирга, 2022 йилнинг 9 ойи давомида республика иқтисодий судлар томонидан фермер хўжаликлари иштирокида 40 304 та низо кўриб чиқилган.

Судлар томонидан мана шу 9 ойда 40 304 та низода фермер хўжаликларидан даъвогарлар фойдасига 1 трлн. сўм атрофидаги маблағ ундирилиши белгиланган.

2022 йилда дон экинларининг 78,8 % и фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди.

2023 йилда бу кўрсаткич 80 фоизга етди. Айни шу йилда балиқнинг 48 фоизи, узумнинг 50 фоизи фермерлар томонидан етиштирилди.

Ушбу статистика кўрсаткичларининг барчаси қишлоқ хўжалигида фермерлар улушининг нақадар юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Шу билан бирга, мазкур соҳада қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлаш ҳар томонлама муҳим

ҳисобланади. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 143-моддасига белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Бизнингча, мазкур соҳада прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг тоифасига кўра иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин:

1) оммавий-ҳуқуқий ишлар;

2) иқтисодий-ҳуқуқий ишлар.

1-тоифадаги ишлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин.

2023 йил 29 ноябрда эълон қилинган хабарга кўра Тошкент шаҳар Бектемир, Сергели, Яшнобод, Мирзо Улуғбек ва Янгиҳаёт туманларига суғориладиган ер майдонлари ўзбошимчалик билан эгалланишининг олдини олиш, ерлардан фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш соҳасида самарали давлат назоратини амалга ошириш юзасидан назорат тартибида ўрганиш ўтказилган.

Ўрганишлар натижасида Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Забардаст” МФЙ ҳудудидаги “Иzzатилла Агро” фермер хўжалигига тегишли 1,97 гектар суғориладиган экин ер майдонлари 42 та ҳолатда, 42 нафар фуқаро томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, бетон пойдеворлар, пишган ғишлар билан ўраб, уй-жойлар қуриш ишлари амалга оширилаётгани аниқланган.

Бунинг натижасида тупроқнинг унумдор қатламига зарар етказилган. Ушбу “Иzzатилла Агро” фермер хўжалигининг 1,97 гектар суғориладиган экин ер майдонида ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиши натижасида етказилган зарар 1 млрд. 348 млн. 265 минг 819 сўмни ташкил қилган.

Юқоридаги “Иzzатилла Агро” фермер хўжалигига тегишли 1,97 гектар суғориладиган экин ер майдонларида аниқланган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан **прокуратура органларига маълумот тақдим этилган.**

2024 йил 3 январда эълон қилинган хабарга кўра эса Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент томонидан Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманидаги «Г.К.» фермер хўжалиги масъул шахслари «Қармиш» маҳалласи ҳудудидаги юқори бонитетли 2,3 гектар экин ер майдонида ўзбошимчалик билан тупроқнинг унумдор қатламини қазиб олиб, жами 1,2 млрд. сўм қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигига йўл қўйганлик ҳолати аниқланган.

Ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 197-моддаси (ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш) ва 229-моддаси (ўзбошимчалик) билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

МИБ матбуот хизматидан маълум қилишларича, шу кунларда айрим фермер хўжаликларнинг 2 млрд. 205 млн. сўмлик солиқ қарзлари ундирилди.

Жиззах вилояти прокуратураси органлари томонидан 2023 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан 214 та текшириш ва мониторинглар ўтказилган.

Вилоят ва туман прокуратура мутасадди ходимлари томонидан жорий қишлоқ хўжалиги йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан 214 та текшириш ва мониторинглар ўтказилди. Натижада, 2 минг 266 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан 551 та протест келтирилган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида 217 та тақдимнома киритилиб, 732 нафар мансабдор шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилган.

Прокурорларнинг тақдимнома ва қарорлари асосида 180 нафар шахс интизомий, 142 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Фуқаролик судларига 260 млн. 550 минг сўмлик зарарни ундириш юзасидан 106 та, иқтисодий судларга 19 млрд. 566 млн. сўмликдан ортиқ 354 та даъво аризалари киритилган. Жами, 608 нафар, шундан 471 нафар юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 17 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Ер тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 32 та текшириш ва мониторинглар натижасига кўра, қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш ҳамда ўзгартириш бўйича 263 та протестлар келтирилган бўлса, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида ваколатли идораларга 32 та тақдимномалар киритилди. 16 нафар шахс интизомий ва 24 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. 28 нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари эса қайта тикланди.

Ўтказилган тадбирлар давомида қўпол қонунбузилиши ҳолатлари бўйича 17 та жиноят иши қўзғатилиши таъминланди.

Сув ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган жами 16 та текширишда 9 та тақдимнома ҳамда 44 та қарор асосида 8 нафар шахсга нисбатан интизомий, 40 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилган бўлса, 4 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақланиши ва реализация қилиниш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 62 та текширишда 20 та протест келтирилиб, қонунга зид қабул қилинган 15 та ҳужжат бекор қилинди ва 5 та ҳужжат ўзгартирилди. Шунингдек, 77 та тақдимнома ва 98 та прокурор қарорлари асосида 77 нафар шахснинг интизомий, 13 нафар шахснинг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилган.

Мазкур текширишларнинг 17 таси пахта етиштириш, 18 таси ғалла етиштириш, 14 таси мева-сабзавот етиштириш ва 12 таси такрорий экинлар экилиши йўналишида ўтказилган бўлиб, ушбу текширишларда қўлланилган прокурор назорати ҳужжатлари таҳлил қилинганида, пахта етиштириш соҳасида туман ҳокимлигига қонун бузилиши бўйича 32 та тақдимнома киритилган ва 319 нафар масъул шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилган ҳамда 15 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, ғалла етиштириш соҳасида 22 та тақдимнома ва 11 та прокурор қарорлари асосида 16 нафар шахслар интизомий жавобгарликка тортилган ва 123 нафар масъуллар қонун бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида расман огоҳлантирилган ҳамда жиддий қонун бузилиши ҳолати юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилган.

Бундан ташқари, **фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича прокурор назорати ўрнатилган.**

Жумладан, прокуратура органлари томонидан деҳқон-фермер хўжаликларига 1 минг 400 тонна минерал ўғит, 1 минг тонна нефт маҳсулотлари, 10 та қишлоқ хўжалиги техникаси, 980 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар, 39 минг 200 млн. сўм банк кредити, 620 млн. сўм иш ҳақи олиб берилиши, 20 та фермер хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳамда 1 минг 300 гектар ер майдон ажратилишида амалий ёрдам кўрсатган.

Булардан ташқари, мева-сабзавот етиштириш соҳасида ўтказилган 14 та мониторинг ва текширишлар натижасига кўра, қонун талабига зид бўлган ҳужжатларга 20 та протест, 12 та тақдимнома ва 25 та қарор қабул қилинган.

Шунингдек, ерга оид ишларни маъмурий судлар томонидан кўришда прокурор иштироки шарт этиб белгиланди.

Сурхондарё вилоятининг Қизирик туманидаги “Аманов Содиқжон” фермер хўжалиги раҳбари “Surxon cotton cluster” масъулияти чекланган жамият шаклидаги пахта тўқимачилик кластери билан ўзаро шартнома тузиб, унинг барча буюртмаларини белгиланган муддатларда бажарган. Бироқ, амалга оширилган ишлар учун тўлов масаласига келганда кластер кўзда тутилган маблағни ўз вақтида бермаган.

Кластернинг шартнома шартини бажаришини кутиб, сабр-косаси тўлган фермер бу масалани суд тартибида ҳал этишга киришди. Тегишли ҳужжатларни Қумқўрғон туманлараро иқтисодий судига тақдим этди. Ишни кўриб чиққан суд фермер хўжалиги фойдасига кластердан 350 млн. сўм қарзни ундиришни белгилади.

МИБ томонидан қарздорнинг барча турдаги мол-мулкларига тақиқ қўйилиб, ҳисоб рақамидан фермер хўжалиги фойдасига 350 млн. сўм ундириб берилди.

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Иқтисодий-ҳуқуқий ишлар доирасига прокурорнинг фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланишини мисол келтириш мумкин. Маълумки, бундай аризалардан давлат божи олинмайди. Фермер хўжалиги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс экан, прокурор унинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунчиликнинг ижросини таъминлашда прокурор назорати қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

фермерлар, бошқа кишлоқ хўжалиги субъектлари ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан самарали прокурор назоратини ўрнатиш;

суд ва бошқа органларнинг ҳужжатлари ижросини таъминлаш;

суғориладиган ерларни талон-тарож қилиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга нисбатан қарши курашиш.

Бу йўналишларнинг ҳар бири алоҳида масъулият бўлиб, прокуратура органларига бу борада катта ваколат ва штатлар ажратилгани бежиз эмаслигини кўрсатади.

Шу билан бирга, фермерлик фаолиятида айрим муаммолар мавжуд:

Аксарият фермерларда фермерлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик бўйича ҳуқуқий билимлар етишмайди;

натижада, кўп ҳолатларда шартномалар ва бошқа ҳужжатларга қарамасдан қўл қўйиб юбориш ҳолатлари мавжуд;

суд ишларининг салмоғи ҳам оз мунча эмас.

Бизнингча, мазкур муаммоларни бартараф қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

фермерлар мактаби доирасида бир қанча рисоалар чоп этилган. Мана шу рисоаларни ўқитиш, тарғиб қилиш, шу орқали фермерларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш чораларини кўриш;

фермерлар мактаби курсларини онлайн курс сифатида ташкил этиш, бунда қонунчиликни тушунтириш юзасидан профессионал ҳуқуқшуносларни ҳақ эвазига жалб қилиш чораларини кўриш;

ерга оид ишларни маъмурий судлар томонидан кўришда прокурор иштироки шарт этиб белгиланган экан, фермерларга оид низоли суд ишларида ҳам прокурор иштирокини шарт қилиш қўйиш. Зарур ҳолларда, прокурор назорати ҳужжатларини қўллаган ҳолда

фермерларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиришларни қонунчиликка киритиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Рустам Холмурадов, Муртазо Раҳматов, Бакридин Зарипов, Худоёр Келдиёров, Алишер Шукуров. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш — давр талаби. // URL: <https://xs.uz/uzkr/post/oziq-ovqat-khavfsizligini-taminlash-davr-talabi>
2. Шавкат Мирзиёев. Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция иштирокчиларига табрик. // URL: <https://gov.uz/uz/news/view/2474/>
3. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси // URL: <https://lex.uz/docs/4567334>
4. Ўзимизнинг пахтадан тўқимачилик саноатигача // URL: <https://yuz.uz/news/ozimizning-paxtadan-toqimachilik-sanoatigacha>
5. Прокуратура ва ИИБ қишлоқ хўжалигида назоратни кучайтиради // URL: <https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda yangi/prokuratura va iiv qishloq hujaligida nazoratni k uchaytiradi>
6. Нуриддин Муродов. Фермерда нима бор, фермерда нима йўқ... Бизда таклиф бор // URL: <https://kun.uz/news/2022/11/14/fermerda-nima-bor-fermerda-nima-yoq-bizda-taklif-bor>
7. О‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi // URL: <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/34646-don-ekinlarining-78-8-i-fermer-xo-jaliklari-tomonidan-yetishtirildi>
8. Фермер хўжалигига тегишли 1,97 гектар суғориладиган экин ер майдони ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган // <https://uza.uz/uz/posts/fermer-xozhaligiga-tegishli-197-gektar-sugoriladigan-ekin-er-maydoni-ozboshimchalik-bilan-egallab-olingan 543339>
9. Хоразм вилоятида экин ер майдонига зарар етказган фермер хўжалиги аниқланди // <https://xs.uz/uzkr/post/khorazm-viloyatida-ekin-er-majdoniga-zarar-etkazgan-fermer-khozhaligi-aniqlandi>
10. МИБ: фермерларнинг 2 млрд. 205 млн. сўмлик солиқ қарзлари ундирилди // URL: <https://uza.uz/uz/posts/mib-fermerlarning-2-milliard-205-million-somlik-soliq-qarzlar-undirildi 554130>
11. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси прокуратура назоратида. // URL: <https://uza.uz/ru/posts/qishloq-xozhaligi-soxasidagi-qonunlar-izhrosi-prokuratura-nazoratida 285612?q=%2Fposts%2Fqishloq-xozhaligi-soxasidagi-qonunlar-izhrosi-prokuratura-nazoratida 285612>

12. Ерга оид ишларни маъмурий судлар томонидан кўришда прокурор иштироки шарт этиб белгиланди // <https://kun.uz/news/2023/12/28/yerga-oid-ishlarni-mamuriy-sudlar-tomonidan-korishda-prokuror-ishtiroki-shart-etib-belgilandi>

13. Қизириқлик фермер фойдасига 350 млн. сўм қарздорлик ундирилди // URL: <https://diyor24.uz/40497>

14. А.А.Ражабов. Ёшлар фермерлигини ташкил этиш. Рисола. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. – 26 б.

15. Gafurov, R., & Nodirov, D. (2020). The concept, importance and tasks of prosecutorial control over the implementation of legislation in the field of ecology and environmental protection, as well as in the agricultural and food sectors. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2795-2799.

16. Gafurov, R., & Nodirov, D. (2020). Issues of improving the system of the prosecutor's office of the Republic of Uzbekistan based on the tasks of ensuring legality in the field of environmental protection and agriculture. *European Journal of Molecular and Clinical Medicine*, 7(2), 982-989.

17. НОДИРОВ, Д. (2020). ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ. *ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ*, 1(4), 44-49.

18. Nodirov, D. (2020). Ensuring the supremacy of law in the development of agriculture in Uzbekistan. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(8), 1414-1418.

19. Нодиров, Д., & Ибраймов, А. (2020). ЭФФЕКТИВНОСТЬ ДИСТАНЦИОННЫХ КУРСОВ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ, ОРГАНИЗОВАННЫХ НА ОСНОВЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДИАГНОСТИКИ. *InterConf*.

20. Ikromovich, N. D. (2020). The legal basis for assigning responsibilities to the prosecutor's office in ensuring control over the implementation of legislation in the agricultural sector in Uzbekistan. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 1058-1064.